

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi Crossref

31 MAY
№28

CONFERENCES.UZ

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 2-ҚИСМ

---

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 28-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-2

---

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 28-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-2

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

**Бокиева Маргуба Тошматовна**
ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ .................................7

# ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ

**Бокиева Маргуба Тошматовна**
Тошкент шахар юридик
техникум укитувчиси
Телефон:+998(93)0033077
1977.marg'uba@gmail/com.

**Аннотация:** Бизнинг юртимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб миллий мафкуранинг, ўзбек жамиятининг миллий ғоясини шакллантиришга эътибор берилди. "Миллий истиқлол мафкураси халқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак"

**Калит сузлар:** Фикр , гоя , мафкура , тизим , халкаро терроризм , диний экстремизм , мафкуравий иммунитет .

Инсоният тараққиётининг сўнги босқичида "homo sapiens" деб аташ одат тусига кирган одамзот вакиллари пайдо бўлди, деб хулоса қилади ҳозирги ижтимоий-гуманитар фанлар. Хўш, бу авлод ўзидан аввалгилардан нимаси билан фарқланарди? Бу биологик тур фикрлаш қобилиятига эга бўлган «онгли одам» саналади. Энди бу одамлар жамоага аввалги даврдагидек фақатгина моддий эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки маънавий ташналикни босиш учун онгли бирика бошладилар. Шундай қилиб, илк жамиятлар ибтидоий тузум даврида куртак ота бошлади.

Ғоя дунёқараш тизимида алоҳида ўринга эга. Инсон билиш ва амалиёт фаолиятда қайси ғояга таянганлигини англаш мумкин. Дунёнинг илмий манзараси, уни тадқиқ этиш усуллари, методологияси каби масалалар ҳам бевосита ғоя билан боғлиқ. Бу фикр тасдиғини илмий тадқиқотлар методологияси мисолида кузатиш мумкин.

Инсоният тарихида илм-фан, ижтимоий ривожланиш муайян даврда барқарор ривожланишини кузатишимиз мумкин. Лекин, бу ҳолатни изидан чиқарувчи ғоянинг пайдо бўлиши ривожланишнинг янги йўналишга бурилишига олиб келади. Жамиятнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очилади. Ғоя асосида янгича таълимотлар, концепциялар, нуқтаи назарлар шаклланади. Янги ғоялар доим пайдо бўлади. Улар туфайли жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, инновацион ва янги технологиялар жорий этилади.

Шунингдек, илмий ғоя тажрибалар натижасини умумлаштирувчи билим шакли эканлигига эътибор қаратиш зарур. Бу билим предмет ва ҳодисаларнинг мавжуд хусусиятлари, ҳозирги ҳолатини акс эттириши билан бирга, уларнинг тараққий этиш йўналишларини, келажакда эришадиган ҳолатларини ҳам ифода этади. Илмий ғоя нарса ва ҳодисаларни тушунтириш муаммоларини ечишнинг янги усулларини қидириб топишнинг эвристик тамойиллари сифатида аҳамиятлидир.

Илмий ғояларни табиий-илмий ва ижтимоий турларга бўлиш мумкин. Табиий-илмий ғоялар ва ижтимоий ғояларнинг ривожланиши учун жамиятнинг илмий салоҳияти етарлича юқори бўлиши зарур. Иккинчидан, табиий-илмий ғоялар ривожланиши, тасдиқланиши ёки инкор этилиши учун муайян моддий, илмий-техникавий шарт-шароитлар бўлиши талаб этилади. Бундай имкониятлар бўлмаса, илмий ғоялар зарур шароит етилгунига қадар маданий ҳодиса сифатида қолиб кетиши мумкин. Ижтимоий ғоя, табиий-илмий ғоялардан фарқли ўларoқ, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир ўтказа олади. Ижтимоий ғоялар орасида миллий ғоянинг ўрни алоҳида. Миллий ғоя халқни бирлаштириш, муайян мақсадга йўллаш, шунингдек башорат этиш хусусиятларига эга. Ҳар қандай ғоя амалиётга, моддий ҳаётга татбиқ этилиши учун мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароит ўзгартирилиб,

янги ғояга мос шароитлар жорий этилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида: "Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади".

Зотан, «ижтимоий ғоялар уюштирувчилик кучига эгадир. Ижтимоий ғоя кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишига, асосланишига қараб фарқланувчи хилма-хил шакллари, ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамият тараққиётига турлича, хусусан, ўта салбий таъсир қилиши ҳам мумкин». Буни биз агрессия, яъни тажовузкорликнинг «хавфли» (деструктив) тури бўлган терроризм мисолида кўришимиз мумкин.

Жамиятни янгиланишига олиб келадиган миллий қадриятларимизни ёшлар онги ва қалбига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларда меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиришда оила, маҳалла, меҳнат жамоаларининг ролини ошириш зарур.

Мамлакатимизнинг ривожлантириш стратегияси туб таркибий ўзгаришлардан изчил тараққиётга ўтиш жараёнини ўзида акс эттиради; шу билан бирга, унда мураккаб системаларга хос бўлган, узоқ давр учун эмас, балки муайян давр учун мўлжалланган ривожланишнинг вазифа ва мақсадлари таъкидланди. Фалсафий-методологик ёндашув нуқтаи назаридан мамлакатимизда барча демократикислоҳотлар ва фуқаровий жамиятни ривожлантириш муаммоларини яхлит бир тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Шу ўринда президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган "Халқ қабулхоналари" фаолияти диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳатлар, миллий ғоя ва ривожланишнинг "ўзбек модели" каби таъсир этувчи омиллар асосида республика тараққиётида янги босқичларга ўтишни кўрсатиш мумкин. Бу чора тадбирлар юқорида қайд этган вазифалар билан вайронкор, экстремизм, терроризм каби ғояларнинг таъсирига қарши туради. Ўтиш даврида давлат бош ислоҳатчи сифатида таъкидланади. Бу ёндошувни жаҳоннинг молиявий иқтисодий инқирози даврида ўзининг муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиш мумкин. Республикамизда юқорида кўрсатилган тамойилларга асосланган ушбу инқироздан чиқиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Инсонда эътиқодни ўзгартириш ва шакллантириш ўта мураккаб масала. Унинг ўзига хос муаммо ва омиллари мавжуд ва у кўп вақтни талаб қилади. Шу сабабли ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, бугунги глобаллашув шароитида ўзликни англашдек мураккаб жараённи амалга оширишнинг барча имкониятларидан фойдаланишни, улар онги ва қалбини ёт ғоя ва мафкуралар, турли ахборот хуружларидан муҳофаза қиладиган кучни, миллий руҳни уйғотишимизни тақозо қилади. Ана шундай ўзликни англаш, миллий ғоя руҳини инсон қалби ва онгига сингдирадиган воситалардан бири бу – тарихдир. "Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Шу маънода ёшларда тарихий хотирани уйғотиш, тарихий онг ва тафаккурни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз тарих саҳнасида кеча яқинда пайдо бўлмаган, унинг қадриятлари ва маънавий бойликларининг илдизлари минг йиллар нарига бориб тақалади. Жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, озод ва обод Ватан ғояси ҳам тарих булоқларидан озиқланаётганлигини, у шунчаки йўқ ердан пайдо бўлиб қолмаганлигини тушунишда тарихий онгнинг ўрни катта. Бугун тарихий онг ва тарихий тафаккурни шакллантириш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Аммо улардан етарлича фойдаланилмаётганлиги муаммо бўлиб турибди. Миллий ғояни шакллантиришда тарихий тафаккурнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

-таълимнинг барча босқичларида тарих фани дарсларининг савиясини ошириш, тарихий воқеа, ҳодиса ва саналарни қуруқ ёдлаш эмас, балки юракдан ўтказиш орқали ўқувчилар онгига сингдириш, ушбу жараёнларни ўз қалбида ҳис этиб, аждодларининг вориси эканлигини ва уларга муносиб бўлишга ундаш;

-халқимизга хос бағрикенглик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, юрт тинчлигини

улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш ғояларини тарихий воқеалар ва билимлар билан асослаш, уларни халқимиз маънавиятининг кўзгуси сифатида баҳолайдиган бадиий асарлар, фильмлар, кўрсатувлар яратиш орқали миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш;

-юртимизда кечаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнларни тарихий билимлар асосида таҳлил қилиб, воқеа ҳодисаларни қонуниятлар билан тушуниб улар асосида ҳаётий мақсадларни белгилай оладиган мустаҳкам эътиқодни шакллантириш.

Зотан, миллий ғоя тарғиботи, юксак маънавиятни ривожлантириш, ватанпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш ҳар қандай демократик таълимнинг ажралмас қисмидир. Шу жиҳатдан, ўқитишнинг замонавий усул ва услубларидан фойдаланиш, таълим жараёнида миллий менталитет ва шарқона одоб-аҳлоқ мезонлари уйғунлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этиши аҳамиятлидир. Ёшларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий бегоналашувини бартараф этишнинг энг самарали ечими замонавий ва ёшларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиб бориши ҳисобга олинган таълим ва тарбия воситалари уйғунлигидир.

Хулоса сифатида республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади - аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади”, деган таъкидли сўзлари аҳамиятлидир.

**Фойдаланган адабиётлар**

1.Крапивенский С.Э. Социальная философия. – Москва,1998. Б.40 http://www.prezident.uz/oz/lists/view/1227

2. Фалсафа: Энциклопедик луғат. — Т.: Энциклопедия, 2010. — Б.334.

3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаққам иродасига ишонаман // Фидокор. – Тошкент, 2000. 8 июнь.

4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари–Ўзбекистон, 1997. – Б.140.

5. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнииг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжаллантан иқтисодий дастурниг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза- 2017 йил 14 январь. - Тошкент; «Ўзбекистон», 2017. –Б. 10.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

## (2-қисм)

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000